Кириб келаётган Янги йилингиз муборак бўлсин!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

https:// adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adolat

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

№ 52 (1517) 2024-YIL 27-DEKABR, JUMA

2025

Сарҳисоб



# АРЗОН, ҚУЛАЙ ВА ХАВФСИЗ: ПОЙТАХТ ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ФАОЛИЯТИГА НАЗАР

**Ислом ҲАМРОЕВ,**
**Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари**

Азим Тошкентда қиш айни забтига олган пайт...

Ишдан ёки ўқишдан чиқдингиз. Севимли мусиқангизни тинглаш учун қулоқчин тақиб, таниш бекат томон келяпсиз. Аввалгидек автобусим кетиб қолади ёки улгурмайман, деган хавотир йўқ. Смартфонингиздаги махсус иловага кириб, унинг қаерда келаётгани ва неча дақиқада бекатда бўлишини аниқ билиб оласиз. Мана, автобусингиз ҳам келди. Эшикдан кира туриб, валидаторга карточкангизни теккизасиз. Тўлов амалга ошди.

Фасл зийнати бўлмиш қор яна пойтахт аҳолисига байрамона кайфият улашяпти. Ташқарида совуқ ҳаво ҳукмрон. Лекин иссиқ автобусда мусиқа тинглаб кетиш ёки эртанги кун режаларига андармон бўлиб, манзилга тез фурсатда етиб олиш қанчалар ёқимли. Бу шунчаки орзу эмас. Балки бугун мамлакатимиз, хусусан, пойтахт жамоат транспорти соҳасида қилинган муҳим ўзгаришлар ва ундан кунда-кунора фойдаланаётган одатий ҳаётимизнинг бир қисми.

3

# Сафдошларимиз йилни муваффақиятли якунламоқда

Ўзбекистон “Адолат” СДП Андижон вилояти кенгаши қошидаги бошланғич партия ташкилотлари орасида Андижон давлат тиббиёт институтидаги БПТ фаол бўғинлардан бири ҳисобланади. Ўз сафига тиббиёт ходимлари ва талабаларни бирлаштирган мазкур БПТ аъзолари якунланаётган йилни ўзига хос байрам сифатида кузатмоқда. Сабаби, 2024 йил улар учун муваффақиятларга бой бўлди.

БПТнинг йил якунига бағишланган байрам тадбирида сўз олган “Адолат” СДП Андижон вилояти кенгаши раиси Мадаминжон Мадазимов партиядошларимизнинг эришган ютуқлари, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида олиб борилган ишлар ва жамоатчилик орасида тарғибот тадбирлари ташкил этилганлигини эътироф этди. Сиёсий жараёнларда ҳам сафдошларимиз фаоллик кўрсатгани учун ўз миннатдорлигини билдирди.



*– Биз “Адолат” СДПнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз,* **– деди партия фаоли Ўткирбек Арзиқулов.** *– Айниқса, тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилган лойиҳаларда фаол иштирок этамиз. Бу айни вақтда жамоатчиликнинг партиямизга бўлган ишончини оширмоқда.*




Тадбир якунида йилнинг энг фаоллари тақдирланди.

**Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати**

Саноатимиз дарғалари

# ВАТАН ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА ЯРАТИЛАЁТГАН БОЙЛИКЛАР

**Камол МАТЁҚУБОВ,**
**“Adolat” махсус мухбири**

Ҳаёт янгиланиб, тараққиёт кучайгани сари яратувчиликлар, бунёдкорликлар, улуғвор ўзгаришлар юзага келиши аниқ. Ана шу янгиланишлар нафаси мамлакатимиз ва халқимиз тақдирида ҳар қадамда, ҳар дақиқада сезилиб турибди. Шаҳарларда аввал қурилган бир-икки қаватли иморатлар ўрнида осмонўпар бинолар қад ростламоқда, кичик корхоналар ўрнида йирик саноат мажмуалари фаолият юритмоқда. Тор йўллар ўрнини кенг ва равон трассалар эгалламоқда. Қишлоқ хўжалиги, чорвачилик соҳаларида катта қувватли, саноатлашган агрокомплекслар пайдо бўлмоқда. Янги қишлоқлар, янги “siti”лар, янги илм-фан марказлари бунёд бўлмоқда. Энг муҳими, юртимиз ҳаётида рўй бераётган бундай ўзгаришлар, янгиланишлар халқимиз қалбида ва тафаккурида янгича ҳиссиётларни, қарашларни, ғояларни, янгича муносабатларни шакллантирмоқда.

Ҳаётимиздаги бундай ўзгаришлар ижодкорлар, матбуот вакиллари, журналистларни ҳам бефарқ қолдирмаётибди. Амалга оширилаётган улуғвор ишлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда. Кейинги йилларда мамлакатимиздаги йирик саноат мажмуалари фаолияти, қўлга киритаётган ютуқлари, бунёдкорлик ишлари билан яқиндан таништириш мақсадида медиа турлар ўтказиш анъанага айланди. Яқинда ана шундай медиа тур Олмалиқ кон-металлургия комбинати акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда ўтказилди. Медиа тур доирасида комбинатнинг олис ва яқин ўтмиши тарихи, бу ерда амалга оширилган ишлар, республикамиз саноатини ривожлантиришдаги ўрни, истиқболдаги режалари журналистларга таништирилди. Ушбу мақола ана шу медиа тур таассуротлари асосида ёзилди.

5



# “АДОЛАТ” СДП:
# йил якунлари, амалий ишлар сарҳисоби

Якунланаётган 2024 йил давлат ва жамият ҳаётида ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий янгиликларга, муҳим тарихий воқеа-ҳодисаларга бой бўлди. Мамлакат равнақи ҳамда жамият ривожида энг долзарб масалаларни кўтариш ва уларга ечим топишда сиёсий партияларнинг иштироки ҳам сезиларли даражада ортди. Ушбу жараёнда “Адолат” социал-демократик партияси фаолияти, эришилган ютуқлари, амалга оширган лойиҳалари билан ажралиб турди. Партиянинг ўтган бир йиллик фаолиятини сарҳисоб қилар эканмиз, салмоқли амалий ишлар қилинганига гувоҳ бўламиз.



Жумладан, ЯНВАРЬ ОЙИДА партия XII Пленумини ўтказди. Унда партия Сиёсий Кенгаши ҳамда Ижроия қўмитаси аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари ва ОАВ вакиллари иштирок этишди. Пленумда партия Сиёсий Кенгаши раиси этиб Махмудова Робахон Анваровна очиқ овоз бериш орқали сайланди.

Бу партия ҳаётида муҳим воқеа сифатида қайд этилди. Янги Сиёсий Кенгаш раиси партия фаоллари олдига партиянинг дастурий вазифалари ва лойиҳаларини самарали рўёбга чиқариш, бу борадаги ишларни янада кенгайтириш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди.

ФЕВРАЛЬ ОЙИДА партия етакчиси ташаббуси билан илк бор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда партия Сиёсий Кенгаши ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Бу – оилани мустаҳкамлаш, хотин-қизларимиз бандлиги ва сиёсий фаоллигини ошириш, оилада зўравонликка чек қўйиш борасида амалий чоралар кўриш учун партиянинг давлат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришда янги саҳифа очди.

МАРТ ОЙИДА партия Марказий аппарати, “Адолат” СДП Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда Ўзбекистон миллий университети ҳамкорлигида ўтказилган *“Жамиятда хотин-қизларнинг*



*сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, оилада зўравонликнинг олдини олиш”* мавзусида давра суҳбати бошланган эзгу ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Унда хотин-қизларимиз сиёсий жараёнларда ҳар томонлама фаоллик кўрсатаётгани, гендер тенглиги йўлида мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани эътироф этилди.

АПРЕЛЬ ОЙИ ҳам республика ихтисослаштирилган Онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда партия Марказий аппарати билан ҳамкорликда ўтказилган “Саломатлик йўлида бирлашайлик” лойиҳаси доирасидаги амалий тадбирлар билан аҳамиятли бўлди. Уларда тиббий хизматлар сифати, аҳолига яратилган шароитлар, бу борадаги партиянинг амалий чора-тадбирлари яхши самара бераётгани билан диққат марказида бўлди. Тадбирлар доирасида минглаб тиббиёт соҳаси вакиллари партия сафига қабул қилингани уларнинг натижадорлигини ошириш ҳамда партия хайрихоҳлари сафини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этди.

Шунингдек, 2024 йилнинг 30 АПРЕЛЬ куни янги таҳрирдаги Конституциямиз қабул қилинганининг бир йиллиги муносабати билан партия томонидан Бош қомусимизнинг аудио форматдаги китоби яратилди. Мазкур аудио китоб ўрта ва олий таълим муассасалари, имконияти чекланган фуқаролар билан ишловчи жамиятларга, давлат ва нодавлат ташкилотларига, республикамизнинг Марказий ва ҳудудий ахборот-ресурс марказларига ҳамда партиянинг ҳудудий кенгашларига бепул тарқатилди.

МАЙ ОЙИДА партия раҳбари Робахон Махмудова Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмаси томонидан ташкил этилган “Миллий медиа маҳсулот яратишда аёллар сиймоси” мавзусидаги халқаро конференцияда қатнашди. Аёл-қизларимизга нисбатан турли кўринишдаги зўравонликларнинг олдини олишда ОАВ муҳим восита экани, медиа маҳсулотларда аёллар сиймосини тўғри шакллантириш эса гендер тенгликни ҳаётга татбиқ этишда асосий роль ўйнаши қайд этилди. Шу аснода партия аёлларимиз ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоячиси экани яна бир бор намоён бўлди.

Маълумки, партия томонидан анъанавий тарзда ҳар йили 1 ИЮНЬ – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни ҳамда 3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан «Бор меҳримиз сенга, болажон!» шиори остида беғараз донорлик акцияси ўтказиб келинади. Акция 700 га яқин донорларни бир мақсад йўлида бирлаштириб, бемор болажонларнинг саломатлигини тиклаш учун 200 литрдан ортиқ ҳаёт томчиларини жамғаришга хизмат қилди. Мазкур акция партиянинг жамиятда инсонпарварлик ғояларини тарғиб этиш, болалар саломатлиги йўлида амалий иш билан ёрдам кўрсатаётганидан далолатдир.

Албатта, ортда қолаётган йил мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги йирик сиёсий жараён – маҳаллий вакиллик органлари сайловлари йили сифатида аҳамиятли бўлди. ИЮЛЬ ОЙИДА Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар жараёнларига расман старт берилди. Шу муносабат билан сайлов олдидан “Адолат” СДП XIV Пленуми “Адолат – ҳар бир инсон учун!” шиори остида ўтказилиб, партия Сайловолди дастурининг асосий йўналишлари эълон қилинди. Унда аралаш сайлов тизимида партия рақобатбардош бўлиши учун электорат ишончини қозониш, партия обрў-эътиборини янада оширишга хизмат қилувчи таклифлар ва ташаббуслар билдирилди.

АВГУСТ ОЙИДА Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияларнинг ваколатли вакилларига сайловчилар имзосини тўплаш учун белгиланган тартибда имзо варақаларини топширди. Республикамизнинг барча вилоятларида партиямиз фаоллари томонидан кенг кўламда имзо йиғиш тадбирлари ўтказилди. Жараённинг қизғин уюшқоқликда бўлиб ўтгани партиядошларимиз сафининг мустаҳкамлиги ҳамда партиянинг аҳоли ўртасидаги обрўсини намоён қилди. 17 август куни партия раҳбари имзолаган ариза ва бошқа белгиланган ҳужжатлар “E-saylov” ахборот тизими орқали Марказий сайлов комиссиясига жўнатилди. Шунингдек, шу куннинг ўзида Марказий аппарат ходимлари йиғилган имзо варақаларини МСКга расман топширди.

4 СЕНТЯБРЬ куни “Адолат” СДП XII Қурултойи бўлиб ўтди. Унда партия Сайловолди дастури, сайловга оид стратегик режалар ва муҳим сиёсий жараёндаги устувор вазифалар кенг муҳокама қилинди. Қурултойда партия фаоллари сайловлар жараёнида бирдамлик ва фаоллик билан астойдил иш олиб боришларини билдирди.

ОКТЯБРЬ ОЙИДА партия сайлов жараёнларининг энг қизғин палласига кирди, турли тарғибот акциялари, ташвиқот тадбирлари ташкил этилди. Хусусан, 10 октябрь куни Тошкент вилояти Нурафшон шаҳрида партиянинг 2025–2029 йилларга мўлжалланган янги Сайловолди дастурини кенг жамоатчиликка тақдим этишга бағишланган оммавий тадбир бўлиб ўтди.

27 октябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар сиёсий партиялар учун муҳим синов бўлди. Боиси маҳаллий вакиллик органлари сайлови янгича – аралаш тизимда ўтказилиб, партиялардан ҳар бир округда ҳар бир овоз учун муносиб кураш олиб боришни талаб этди. Айтиш жоизки, “Адолат” СДП бу жараёнда фаол қатнашди. 28 октябрь куни партия Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудова сайлов натижалари юзасидан брифинг ўтказди. Унда партия ушбу сайловларда 21 та депутатлик ўрнини эгаллаб, жамият ҳаётида муносиб овозга эга бўлгани қайд этилди.

20 НОЯБРЬ куни партия фаолларидан иборат делегация Камбоджа пойтахти Пномпень шаҳрида бўлиб, глобал муаммоларни ҳал этишда жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик қилиш, сиёсий партиялар фаолиятида муроса ва тараққиёт йўлини танлаш лозимлиги юзасидан мунозараларда қатнашди.







3 ДЕКАБРЬ – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан партия мамлакатимиз бўйлаб кенг кўламда “Бор меҳримиз сенга, болажон!” донорлик акциясини ўтказди. Жорий йилда республика миқёсида ўтказилган ушбу хайрия акцияларида 3978 нафар донордан 1 тонна 706 литр “ҳаёт томчилари” йиғилиб, минглаб болажонлар саломатлигини тиклаш ва ҳаётини сақлаб қолишга ҳисса қўшилди.

5 декабрь куни партия томонидан анъанавий тарзда ташкил этиладиган “Конституция билимдони” кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда Бош қомусимиз борасидаги билимлари бўйича энг зукко ёшлар беллашишди. Ёшларнинг билимларини рағбатлантириш мақсадида совғалар ва дипломлар билан тақдирлаш маросими ташкил этилди.

“Repost.uz” томонидан ўтказилган “Халқ рейтинги – 2024” танловида “Адолат” СДП раиси Робахон Махмудова энг фаол партия раҳбари сифатида эътироф этилди. 15 715 нафар фуқаронинг овози партия етакчисининг сиёсий майдондаги қатъийлик, ташаббускорлик ва халқчиллик сифати билан ажралиб турганини кўрсатди.

*Мухтасар айтганда, “Адолат” СДП учун 2024 йил кўплаб янгиланишлар, сиёсий ташаббуслар ва амалий ютуқлар йили бўлди. Партия раҳбариятидан тортиб, қуйи бўғин фаолларигача ўзаро ҳамжиҳатлик, бирдамлик билан иш олиб боришди ҳамда йил бошида режалаштирилган мақсадларининг салмоқли қисми амалга оширилди.*

*2025 йилда ҳам партия кўплаб янги лойиҳаларни бошлаб, амалга ошмаган режаларини рўёбга чиқариш, инсон қадри, ҳуқуқий-демократик қадриятлар устувор бўлган жамиятни барпо этиш йўлида қатъият билан олдинга ҳаракат қилишни мақсад қилган.*

*“Адолат” – ҳар бир инсон учун!” деган партия шиори янада кенг қамровли амалий ишлар билан бойиб, мамлакатимиз жамоатчилиги ўртасида партия обрўси, электорат ишончи мустаҳкамланиши, шубҳасиз.*



### Фракция йиғилиши

# Қийноққа солиш билан боғлиқ ҳолатларнинг олди олинади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида дастлаб Президентимиз раислигида банклар иштирокида маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадли қилишга қаратилган устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида илгари сурилган муҳим ташуббуслар, белгилаб берилган чора-тадбирларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.



Фракция аъзолари йиғилишда белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда барча йўналишларда янада фаоллик кўрсатиш, аҳоли билан мунтазам ишлаш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб олдилар.

Шундан сўнг депутатлар йиғилиш кун тартибидан ўрин олган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқишди. Айниқса, гумон килинувчи, айбланувчи ва судланувчиларни қийноққа солиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган қонун лойиҳаси қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини янада кучайтириш, жумладан, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларига мутлақо йўл қўймаслик мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларнинг қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш чоғида айбланувчи ва судланувчини ҳибсхонага жойлаштиришдан олдин уларни тергов ҳибсхоналарининг ўзида мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини жорий этиш зарурати вужудга келмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида”ги қонунга тегишли қўшимчалар киритиш орқали, шахснинг тергов ҳибсхонасининг ўзида мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби белгиланмоқда.

Фракция аъзолари партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси юзасидан ўз таклифларини билдирди. Лойиҳадаги айрим нормалар юзасидан қонун ташаббускорларини саволларга тутишди.

Улар кўтарилган саволлар бўйича атрофлича тушунтиришлар бериб, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жиноят содир қилишда гумон қилиниб, ушлаб турилган шахсларга нисбатан қийноққа солиш билан боғлиқ қонунчиликка зид хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олишга хизмат қилишини таъкидладилар.

Йиғилишда фракция фаолиятига таааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.




## Депутатимиз “Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони соҳиби бўлди

*Қоровулбозор тумани "Навбаҳор" маҳалласининг ёшлар етакчиси ва "Адолат" СДП Қоровулбозор туман кенгаши депутати Илҳом Сафаров мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ва сиёсий ислоҳотлар жараёнида фаоллиги ва жонбозлиги билан танилган ёшлар етакчиларидан биридир. У ўзининг ижтимоий фаолияти, ёшлар ўртасида олиб бораётган ишларида юксак натижаларга эришди.*

*Илҳом Сафаровнинг "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони билан тақдирланиши, унинг жамиятдаги ижтимоий аҳамиятли ишлари ва ёшлар ўртасида ўзининг юксак маънавий қадриятлар ва юртпарварлик ғояларини тарғиб қилгани учун берилган мукофотдир. Ушбу мукофот, унинг мамлакатда ёшларни ривожлантиришга қаратилган фаолияти, турли ижтимоий дастурларга қўшган ҳиссаси ва жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги қатнашувини алоҳида таъкидлайди.*












# АРЗОН, ҚУЛАЙ ВА ХАВФСИЗ:

# ПОЙТАХТ ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ФАОЛИЯТИГА НАЗАР

Умуман олганда, шиддатли урбанизация жараёнини бошдан кечираётган бугунги дунёнинг барча йирик мегаполисларида жамоат транспорти фақатгина ижтимоий тизим эмас, балки жамиятнинг барқарор ривожланиши учун стратегик восита сифатида баҳоланяпти. Боиси, ундаги кенг қамровли йўналишлар, атроф-муҳитга зарари кам бўлган "яшил" технологиялар ва қулай хизмат кўрсатиш сифати инсонлар ҳаётини енгиллаштириб, давлатлар иқтисодиёти ва экологиясига ҳам катта фойда келтириши билан аҳамиятли.

Жаҳон тажрибасида бу борада кўплаб мисоллар бор. Масалан, ҳар бир фуқаронинг жамоат транспорти хизматларидан унумли фойдаланишини таъминлаш мақсадида Сингапур жамоат транспортида ягона ва адолатли тарифлар жорий этилган. Бу турли табақаларга мансуб фуқароларнинг бир хил шароитда жамоат транспортидан фойдаланишини кафолатлайди. Қолаверса, «Осиё йўлбарслари»дан бири сифатида эътироф этилган мазкур мамлакатда шахсий автомобиллар ҳаракатини чеклаш орқали жамоат транспортига талабни ошириш стратегияси самарали амалга оширилган. Натижада шаҳар йўлларидаги тирбандликлар камайтирилган ва экологик вазият яхшиланган. Ёки бўлмаса Германияни олайлик. Бу давлатнинг кўплаб шаҳарларида дизель ёқилғиси билан юрадиган автобуслар ўрнига электр токи билан ҳаракатланадиган автобуслар ёки гибрид транспорт воситаларидан фойдаланилади. Бу атроф-муҳитга зарарни сезиларли даражада камайтиради. Немис автобус тизими фақат йўловчи ташиш билан чекланмайди. Шаҳарлар орасидаги транспорт тизими юкларни тез ва арзон ташиш учун ҳам самарали интеграция қилинган...

Шу ўринда мамлакатимиз, хусусан, пойтахт жамоат транспортини ривожлантириш учун амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг стратегик йўналишлари билан дунё тажрибасига уйғун ҳолда олиб борилаётганига алоҳида тўхталиб ўтсак. Соҳадаги ислоҳотлар аҳолининг кундалик ҳаётини енгиллаштириш, ижтимоий адолатни таъминлаш ҳамда транспорт инфратузилмасини замонавий стандартларга мослаштиришни ўз ичига олади. Жумладан, ортда қолаётган 2024 йилда ҳам тизим моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва халқаро стандартларга мувофиқ йўловчи ташиш хизматларини кўрсатиш масалаларига устувор аҳамият қаратилди.

Тан олиш кераки, ҳар биримиз учун транспортнинг энг асосий жиҳатларидан бири – ишончлилик. Чунки йўловчи қатнов вақтига ишона оладиган тизимни қадрлайди. Шуни инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, ўтган 2-3 йилда Тошкентда жамоат транспортидан кунлик фойдаланиш даражаси ўртача 650 минг нафарни ташкил қилган бўлса, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 1 миллион нафарга етди. Бу, албатта, ишонч ва сифатга асосланган тизим яратиш йўлидаги самарали натижалардир.

Аҳамиятлиси, жамоат транспорти тизимини такомиллаштириш учун жорий йилда кўплаб янги механизмлар жорий этилди. Ҳар бир автобус ва электробуснинг ҳаракат йўналиши қайта кўриб чиқилиб, йўловчилар талаб-истакларига мослаштирилди, маҳаллий ҳокимликлар тадбиркорларга манфаатли кредитлар бериш орқали янги транспорт воситаларини харид қилишга кўмаклашди. Тизимнинг асосий мақсади – одамлар учун қулай, хавфсиз ва тезкор транспорт хизматини яратишдир. Шу мақсадда Германиянинг "Deutsche Bahn" компанияси мутахассислари томонидан "Toshshahartransxizmat" АЖ автобус ҳайдовчиларининг малакасини оширишга катта эътибор берилди. 21 нафар йўриқчи махсус курсларни тамомлаб, 1050 нафар ҳайдовчини ўқитди.

Маълумотларга кўра, жорий йилда маҳаллий ҳокимликлар, «Миллий-банк» ҳамда тадбиркорлар ҳамкорлигида йирик инвестициялар йўналтирилиб, атроф-муҳитга зарари кам бўлган 421 та автобус ва 496 та микроавтобус харид қилинган ва йўналишларга чиқарилган. Бу ҳудудлар микёсида таҳлил қилинганда, Самарқандга 112 та (шундан, 74 та электробус), Фарғонага 76 та, Тошкент шаҳрига 67 та, Хоразмга 50 та, Наманганга 36 та, Қашқадарёга 32 та, Навоийга 19 та, Сирдарёга 13 та, Бухорога 6 та, Нукус шаҳри ҳамда Тошкент вилоятига 5 та автобус харид қилинган.

Бундан ташқари, Нукус шаҳри ва вилоят марказлари жамоат транспорти йўналишларининг янги тармоғи ишлаб чиқилди ва Марказлашган диспетчерлик хизмати ташкил қилинди. Бу ўзгариш нафақат йўловчилар учун қулайлик яратиш, балки жамоат транспорти тизимини умумий равишда самарали ва замонавийлаштириш мақсадида амалга оширилди. Марказлашган Диспетчерлик хизмати орқали барча йўналишлар назорат қилиниб, транспорт воситалари ҳаракатини аниқ кузатиш имконияти яратилди. Бу тизимнинг қуйидаги афзалликларини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Биринчидан, *ҳар бир автобус ёки микроавтобуснинг ҳаракати марказлашган назорат остида бўлади. Бу орқали транспорт воситаларининг белгиланган вақтдан кечикиши ёки жадвалдан четга чиқиши минималлаштирилади.*

Иккинчидан, *диспетчерлик хизмати орқали йўловчилар жамоат транспорти жадвалига риоя қилинишини таъминлашга ишонч ҳосил қилишади. Шунингдек, транспорт воситалари қайси йўналишда ва қаерда эканини реал вақт режимида кузатиш имконияти яратилади.*

Учинчидан, *Марказлашган бошқарув хавфсизликни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Агар фавқулодда ҳолат юз берса, диспетчерлик хизмати зудлик билан вазиятни назоратга олиш ва тегишли чора кўриш имконига эга бўлади.*

***Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, 2024-2025 йилларда жамоат транспорт тизимини янада замонавийлаштириш, йўловчиларни самарали ва қулай транспорт билан таъминлаш мақсадида 700 та автобус ва 200 та электробус харид қилиш режалаштирилган. Шу билан бир қаторда 2030 йилга қадар 5000 та автобус ва 2000 та электробус сотиб олиниши кўзда тутилмоқда.***

Очиғини айтганда, бугун ушбу тизим пойтахт ҳаётида қанчалик муҳим аҳамиятга эга бўлаётганини тасаввур қилиш учун кечаги кунга назар ташланса, тизимда олиб борилаётган ислоҳотлар бор бўй-басти билан намоён бўлади. Ҳа, бундан 3-4 йил илгари шаҳар аҳолиси ва меҳмонларининг автобусга бўлган эҳтиёжини тўла қондиришда жиддий муаммолар бор эди. Йўналишлар қисқа ва қамрови паст, ҳайдовчилар сони кам ва кўпчилик учун ҳаракат жадвали қулай эмасди. Бугун эса вазият ўзгарди. Тошкент йўлларида қишда иссиқ, ёзда салқин, экологик тоза автобуслар ҳаракат қилмоқда.

Хизмат кўрсатиш сифати ҳақида гап борар экан, бугунги жамоат транспорти интерактив тизимларга асосланганди билан манфаатли ва қулай эканлигини таъкидлаш жоиз. Масалан, Тошкент шаҳрида жорий қилинган электрон тўлов тизими йўловчиларда транспортга бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди ва бугун ундан 70 фоиз йўловчилар фойдаланмоқда. Сабаби, бу тизим нафақат вақтни тежайди, балки

**Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, 2024-2025 йилларда жамоат транспорт тизимини янада замонавийлаштириш, йўловчиларни самарали ва қулай транспорт билан таъминлаш мақсадида 700 та автобус ва 200 та электробус харид қилиш режалаштирилган. Шу билан бир қаторда 2030 йилга қадар 5000 та автобус ва 2000 та электробус сотиб олиниши кўзда тутилмоқда.**

хизмат кўрсатишдан тушган маблағларнинг шаффофлигини ҳам таъминлайди. Шуниси эътиборлики, 2025 йил январидан бошлаб Тошкент шаҳрида йўл ҳақи тўловлари фақат электрон шаклда амалга оширилади. Бу, ўз навбатида, ортиқча қоғоз ва нақд пул сарфининг олдини олади.

Қолаверса, ҳудудларда халқаро автобус йўналишларининг кенгаётгани мамлакатимизнинг транспорт инфратузилмасини яхшилаб, иқтисодий жиҳатдан самарали ва фойдали экани муҳим аҳамиятга эга. Масалан, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон билан мунтазам халқаро автобус йўналишлари ташкил этиш орқали одамлар учун транзит йўналишларини аниқ ва қулай қилиш имконияти мавжуд. Рақамларга кўра, жорий йилда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонга 39 та мунтазам халқаро йўналиш ташкил этилди. Натижада 11 ой давомида 778 минг нафар йўловчи ташилди. Бу ўтган йилга нисбатан 53 фоизга кўп демакдир. Мазкур ишларнинг давоми сифатида 2025 йилда халқаро йўналишлар сони 50 тага етказилиши режалаштирилган бўлиб, ушбу жараён халқаро майдонда мамлакатимизнинг транспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

**Энди пойтахт жамоат транспортининг энг қулай, хавфсиз ва ишончлилиги билан алоҳида ўрин тутувчи метрополитен хизматига ҳам бир назар ташласак.**

Ҳа, Тошкент метрополитени нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёнинг энг гўзал ва бетакрор транспорт иншоотларидан бири сифатида тан олинган. Унинг архитектураси, миллий безаклари ва замонавий техник ечимлари йўловчилар учун қулайлик кафолати, эстетик завқ улашишда ҳам ўзига хос мемориал маскандир. Метрополитен бекатлари ҳар бир саёҳатчини ҳайратлантириб, фақатгина транспорт воситаси тўхташ жойи эмас, балки маданият ва санъатнинг дурдонаси сифатида ҳам эътироф этилмоқда.

Метрополитен ҳозирги кунда пойтахт аҳолиси ҳаётининг ажралмас қисмига айланган. Миллионлаб йўловчилар кунига бир неча бор унинг хизматидан фойдаланмоқда. Бунга арзирли сабаблар бор: метро, энг аввало, вақтни тежайди, хавфсизлик ва экологик жиҳатдан ҳам самарали транспорт воситасидир. Тошкент метрополитенида 2024 йилда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар шаҳарнинг транспорт инфратузилмасини замонавийлаштиришда катта қадам бўлди, дейиш мумкин.

Хусусан, ўтган март ойида "Тошкент ер усти халқа метро линиясининг II босқичи" доирасида узунлиги 3,6 км. бўлган "Қурувчилар-Қипчоқ" қисми ишга тушди. Янги йўналиш йўловчилар оқимини тежамкор ва самарали бошқаришга имкон яратди. Шунингдек, 2017-2024 йиллар давомида метрополитен линияларининг умумий узунлиги сезиларли даражада кенгайтирилди. Илгариги 38 километр ўрнига, ҳозир бу кўрсаткич 70,8 километрга етди. Бекатлар сони эса 29 тадан 50 тагача кўпайди. Ушбу ўзгаришлар аҳоли учун жамоат транспортида ҳаракатланиш имкониятларини кенгайтириб, уларнинг ҳаётини енгиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кейинги икки йилда метрополитен йўловчи ташиш ҳажми бўйича ҳам юқори натижаларга эришди. Агар 2022 йилда кунлик ўртача 375 минг нафар йўловчи ташилган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 1 миллион нафарга етди. Бу фуқароларнинг Тошкент метрополитенига ишончи ўсиб бораётганидан далолат беради.

Қайд этилишича, метрополитен ҳаракат таркиблари паркини янгилаш ишлари ҳам изчил давом эттирилмоқда. 2019 йилда 5 та поезд, 2021 йилда 10 та поезд ва 2024 йилда 14 та замонавий поездлар харид қилинди. Натижада, умумий ҳаракат таркиблари сони 78 тага етди. Бу поездлар оралиғидаги интервални 2-4 дақиқагача қисқартиришга имкон яратди. 2025 йилда эса яна 14 та янги поезд сотиб олиниши режалаштирилган.

Мухтасар айтганда, жамоат транспортини ривожлантириш масаласи ўзида фақат транспорт тизимини яхшилашни кўзда тутмасдан, балки инсонларнинг кундалик ҳаётига таъсир этувчи асосий омиллардан бири бўлиб келган. Ҳақиқатан ҳам, бир автобуснинг йўлга чиқиши бир оила мисолида катталарни ишхона, болаларни мактаб ёки боғча, қўйингки, турли сабаблар билан шифохона, бозор ёки банкка элтади. Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, пойтахтнинг бугунги жамоат транспорти, у хоҳ автобус бўлсин ёки метро, халқ ҳаётини енгиллаштирадиган стратегик лойиҳа сифатида ривожланишда давом этмоқда. Ундаги ислоҳотлар ва янгиликлар шаҳар транспорт тизимини дунё стандартларига мослаштириш орқали аҳолини хавфсиз ва тезкор хизматлар билан таъминлашни мақсад қилган.

## Муносабат

Президентимиз раислигида тадбиркорликни ривожлантириш, молиялаштириш ва 2025 йилга мўлжалланган устувор режалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.



**Шаҳноза ҒАНИЕВА,**
**халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати, партия вилоят кенгаши раиси**

# Тадбиркор бой бўлса, давлат қудратли бўлади

Тадбиркор ҳамда сиёсатчи сифатида мазкур видеоселекторда иштирок этар эканман, мамлакатимиз Президентининг соҳани ривожлантириш борасидаги фикрлари менга янгича куч-ғайрат бағишлади.

*– Тадбиркорликни ривожлантириш – биз учун стратегик вазифа. Бизнинг таянчимиз ҳам, суянчимиз ҳам, энг катта кучимиз ҳам шу соҳада мужассам. Шу боис тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш марказдан тортиб энг қуйи бўғингача – барча раҳбарларнинг кундалик иши бўлиши шарт. Айниқса, жойларда ҳокимлар ҳар бир тадбиркор билан кўпроқ мулоқот қилиб, корхоналарга бориб, уларнинг дарди билан яшаши керак. Биз катта иқтидор эгалари бўлган бизнес вакилларини асрашимиз, авайлашимиз зарур. Улар биз учун жуда қадрли инсонлар,* – деди давлат раҳбари.

Биргина жорий йилнинг ўзида тадбиркорлар фаолияти учун ғоят муҳим бўлган 5 та қонун, 101 та фармон ва қарорлар қабул қилинди. Буларнинг ҳаммаси бугун тадбиркорлик салоҳияти бор инсонларни барча имкониятларни ишга солиб, бозор муносабатларидан келиб чиққан ҳолда янги-янги тармоқларни ишга тушириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш баробарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга катта замин яратади.

Мазкур йиғилишда англадикки, жорий йил якунига қадар ажратилган жами кредитлар 275 триллион сўмни ташкил қилади. 2025 йилда эса бу миқдор 300 триллион сўмдан ошиши ҳисоб-китоб қилинган. Айниқса, кичик бизнесга бериладиган кредитлар улуши ҳозирги 28 фоиздан 40 фоизга оширилиб, 120 триллион сўмга етказилади.

Тадбиркорлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, банклар 2025 йилда четдан давлат кафолатисиз 6 миллиард доллар олиб келишни режалаштирган.

Факторингга кенг йўл очилгани натижасида шу йилнинг ўзида 100 миллион долларлик бундай хизматлар кўрсатилган.

Фарғоналик тадбиркорларни қувонтирган яна бир жиҳати, бизнес, сув, электр, газ, темир йўл каби инфратузилмалар учун бу йил 35 триллион сўм йўналтирилган. Келгуси йил яна 43 триллион сўм режалаштирилган. Бу нафақат шаҳарлар марказларида, балки олис қишлоқларда ҳам тадбиркорлик субъектлари учун кенг имконият эшиклари очилишидан далолатдир. Келгусида ёшлар учун хорижга иш излаб бормасдан туриб, оиласига яқин манзилларда кафолатли даромадга эга бўлиш шароити яратилади. Бундан халқимизнинг ҳам, давлатимизнинг ҳам манфаатдорлиги ортади.

Фарғонада ҳам илк бор қуввати 300 мегаваттли йирик электр энергиясини сақлаш тизими барпо этилгани тадбиркорларни ўз тармоқларини кенгайтиришга бўлган ишончини янада орттирмоқда.

Яна бир муҳим масала. Давлатимиз раҳбарининг қулай ва жозибадор бизнес муҳитини сақлаб қолиш учун барқарор солиқ сиёсати юритилиши ҳақидаги фикрлари тадбиркорлар учун янада кенг имкониятларни вужудга кетиради.

2025 йилнинг 1 январидан бошлаб, ер ёки давлат мулки қўшилган қиймат солиғисиз сотилиши, мобил алоқа учун акциз солиғи бекор қилиниши, шаҳар чегарасидаги қишлоқ ерларига 2 карра ер солиғини ҳисоблаш тўхтатилиши, нашриёт корхоналари фойда солиғини тўлашдан 5 йилга озод этилиши каби муҳим таклиф ва ташаббуслардан руҳландик. Бундай адолатли сиёсат халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга, мамлакат иқтисодиётининг янада ривожланишига хизмат қилади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, Ўзбекистонда тадбиркорлик ҳаракати орқага қайтариб бўлмайдиган катта кучга айланди.

*– Биз давлат миқёсида қандай катта мақсад ва вазифаларни ўз олдимизга қўймайлик, уларни амалга оширишда бутун халқимиз билан бирга, аввало, сизларга таянамиз. Тадбиркорларимиз қанча бой бўлса, халқимиз шунча фаровон яшайди, давлатимиз шунча қудратли бўлади. Тадбиркорнинг ютуғи – бу бутун халқимизнинг ютуғи,* – деди Президентимиз.

Видеоселекторда билдирилган олий мақсадларни халқимизнинг ҳар бир вакили қалбан ҳис этиши, тадбиркорларимиз ҳаётий ташаббуслардан янги куч-қувват олиб, янада янги марраларни забт этишлари учун "Адолат" партиясининг вилоят кенгаши тарғибот ишларини жойларда кенгроқ олиб боради, албатта. Ўзим ҳам тадбиркорлик фаолиятим орқали соҳага кириб келаётган ёшларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, уларни ягона мақсад – Ватан равнақи учун курашга чорлашдан асло чарчамайман. Зеро, бундай ғамхўрлик ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳаётий заруриятдир.

Янги йилда тадбиркорлик фаолияти янада тараққий этишига ишонамиз!

Инновация



# СУД ишларини ОНЛАЙН ТАРТИБДА КЎРИШ

Сир эмаски, бугун рақамли технологиялар ҳаётимизга шиддат билан кириб келиб, деярли барча жабҳаларда ўз ўрнини топиб улгурди. Илм-фан, иқтисодиёт, ижтимоий муносабатлар ёки ҳуқуқ – барча соҳалар рақамлаштириш жараёнига фаол интеграциялашяпти. Қолаверса, рақамли муҳит инсон ҳаётининг маънавий, ҳуқуқий ва ахлоқий жиҳатларига жиддий таъсир ўтказаётганини ҳам яширмаслик керак.

**Моҳинур МАХМУДОВА,**
**Тошкент давлат юридик университети Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик факультети талабаси**

Шундай шароитда электрон тижорат, рақамли хизматлар ва масофавий операциялар кўлами кенгайиб бориши билан турли хил низоларнинг пайдо бўлиши муқаррар. Бироқ танганинг икки томони бирдек таҳлил қилинса, бугунги дунёда низоларни судгача етказмасдан ҳал этиш учун самарали механизмлар мавжудлигини алоҳида қайд этиш лозим. Улардан бири – онлайн низоларни ҳал қилиш технологиялари бўлиб, мазкур механизм тезкор, иқтисодий ва қулай ечимларни таклиф этаётгани билан аҳамиятлидир.

Хўш, бу аслида нима? Суд-ҳуқуқ соҳаси бу борада қандай масалаларни ўз ичига қамраб олади?

Аниқроқ айтганда, *онлайн низоларни ҳал қилиш* (ODR – Online Dispute Resolution) – *бу низоларни рақамли муҳитда тезкор ва адолатли ҳал қилишга қаратилган инновацион ёндашув ҳисобланади. Мазкур жараён анъанавий суд муҳокамаларига қараганда кўпроқ вақтни тежайди, харажатлар камаяди, тарафлар эса турли жойда бўлса ҳам ўз муаммоларини ҳал қилиши мумкин. Бу, айниқса, электрон тижорат ва трансмиллий муносабатларда муҳим аҳамиятга эга.*

Келинг, соддароқ тилда тушунтираман. Тасаввур қилинг, сиз интернет дўкон орқали бирор-бир маҳсулот, айтайлик, телефон сотиб олдингиз. Бироз вақт ўтиб, унда носозлик кузатилди. Сотув шартномасида маҳсулотга кафолат муддати давомида бепул таъмирлаш хизмати кўрсатилган ва бу сотувчи мажбурияти этиб белгиланган бўлса-да, у буни бажармади. Бундай вазиятларда анъанавий суд тизимига мурожаат қилиш қийинчиликлар туғдириши мумкин – ҳужжатларни йиғиш, судга бориш ва бошқа омиллар вақт ва ресурсларни талаб этади. ODR эса бу жараённи соддалаштириб, онлайн платформалар орқали низони ҳал этиш имконини беради. Бу платформа бизда мавжудми ёки ҳали кўп ҳам қулоққа чалинмаган-ку, десангиз янглишасиз.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда рақамли технологияларни ижтимоий-иқтисодий соҳалар қатори суд-ҳуқуқ соҳасига жорий қилиш борасида қатор самарали ишлар амалга оширилди ва бу давом этяпти. Ҳукумат электрон ҳужжат айланиши, масофавий суд муҳокамалари ва рақамли платформа хизматларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётгани, хусусан, суд тизимида “E-Sud” ва "Adolat" каби электрон платформалар фаол ишлаётгани фуқаролар ва тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитлар яратганига тўхталиш жоиз.

Айниқса, коронавирус пандемияси даврида бу жараён янада жадаллашди. Олий суд Пленумининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекциясининг (Covid-19) тарқалишининг олдини олиш чоралари билан боғлиқ равишда судлар томонидан қонунчиликни қўллаш бўйича айрим масалалар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, судлар видеоконференцалоқа йўналишида ишларни кўриб чиқдилар ва ижтимоий масофани ҳисобга олган ҳолда ишларни ташкил этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг статистик маълумотларига кўра, 2020 йилда 1521 та жиноят, 833 та фуқаролик, 3588 та иқтисодий ва 391 та маъмурий иш кўриб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди берган маълумотга кўра, 2020 йилдан 2024 йил сентябригача масофавий суд муҳокамалари орқали 134 101 та иш кўриб чиқилган. Демак, мазкур рақамлар орқали фуқароларимиз ортиқча оворагарчиликсиз, соҳадаги масофавий имкониятлардан сезиларли даражада фаол фойдаланганини, пировардида, соҳадаги рақамли технологияларнинг қанчалик самарали эканини англатади.

Нима деб ўйлайсиз, мазкур тизимнинг афзалликларига яна нималарни қўшса бўлади? Келинг, таҳлил қиламиз. Масалан, *тезкорлик. Бунинг ёрдамида низоларни ҳал қилиш анъанавий суд тизимига нисбатан кўпроқ вақтни тежайди.* Иккинчиси – *иқтисодий харажатлар камайиши. Бу ўз-ўзидан суд харажатлари камайишига, транспорт ва бошқа операцион харажатлар сарфининг олдини олишга йўл очади.* Учинчиси, *энг муҳими – масофавий ечим. Турли мамлакатлардаги тарафлар бир хил платформада ўз муаммоларини ҳал қила олади.*

Қолаверса, бугун жаҳон суд амалиётида медиатив (воситачилик суди) ва арбитраж (ҳакамлик суди) платформалари ва гибрид платформалар ODR жараёнида кенг қўлланилмоқда. Масалан, “Modria”, “e-Bay Resolution Center”, “Smart Settle” каби халқаро платформалар бу соҳада ечимларни автоматлаштириш ва алгоритмлар ёрдамида тарафлар ўртасида муросага эришишни таъминлайди.

Олиб борилган тадқиқотларга кўра, албатта, онлайн низоларни ҳал қилишда айрим чегаралар ҳам мавжуд. Мисол учун, интернет алоқасининг ёмонлиги ёки техник носозликлар жараёнга таъсир қилиши мумкин. Шунингдек, ODR асосан енгил ва мураккаб бўлмаган низолар учун мос келади. Мураккаб ҳуқуқий масалаларда эса анъанавий суд жараёнлари устунлигича қолади. Аммо замонавий технологиялардан фойдаланиш рақамли низоларни ҳал қилиш имкониятларини кенгайтиради. Масалан, сунъий онг низоларнинг моҳиятини таҳлил қилиб, ечимларни тезкор таклиф қила олади. Блокчейн эса хавфсизлик ва ошкораликни таъминлаб, маълумотларни ўзгармас ҳолда сақлашга имкон беради. Айниқса, смарт-контрактлар рақамли тўловлар ва шартномаларда ишончли механизм сифатида хизмат қилади. Масалан, сотувчи товарни етказиб берганидан сўнг автоматик равишда тўлов амалга оширилади.

Ўзбекистонда ODR платформаларини ривожлантириш учун катта истиқболлар мавжуд. Электрон тижоратнинг ўсиши, аҳолининг рақамли технологияларга бўлган қизиқиши ва ҳукуматнинг рақамлаштириш сиёсати бу соҳани янада ривожлантиришга асос яратади. Шуни таъкидлаш жоизки, замонавий ODR платформалари нафақат иқтисодий фаолиятда, балки таълим, тиббиёт ва бошқа соҳаларда ҳам кенг қўлланилади. Бу эса Ўзбекистонда рақамли низоларни ҳал қилишнинг янада самарали механизмларини яратишга туртки бўлади.

Халқаро тажрибадан кўриниб турибдики, ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам онлайн низоларни ҳал қилиш бўйича яхлит норматив-ҳуқуқий база ҳали тўлиқ шаклланмаган. Масалан, Канада, Хитой ва АҚШ каби давлатларда бу борада муайян қонунчилик асослари мавжуд. Японияда эса фуқаролик низоларини онлайн ҳал қилиш ташаббуслари илгари сурилган, аммо қонунчилик ҳали тўлиқ шаклланмаган. Шунга қарамай, япон ҳукумати сунъий онг технологиялари асосида янги авлод ҳуқуқий хизматларини жорий этишни режалаштирмоқда. Россияда ҳам онлайн-низоларни ҳал қилиш тизими ривожланиш босқичида. Анъанавий усулларга устуворлик сақланиб қолган бўлса-да, 2015 йилдан буён айрим онлайн платформалар фаолият юритмоқда. Масалан, онлайн арбитраж тизими маълумотларни ҳимояланган каналлар орқали алмашиш ва сақлаш имконини бермоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, республикамизда онлайн низоларни ҳал қилиш соҳасида қонунчиликни янада ривожлантириш бўйича ўз таклифларимизни келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобладик. Аввало, онлайн мурожаатлар, уларни ҳал қилиш тартиби ва онлайн низолар бўйича қарорлар қабул қилиш механизмларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга соладиган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш лозим. Шунингдек, олис ҳудудларда электрон технологиялар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича дастурлар тайёрлаш зарурати мавжуд. Бу жараёнда ривожланган мамлакатларнинг онлайн-низоларни ҳал қилиш тажрибасини ўрганиб, айрим ҳуқуқий механизмларни Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига имплементация қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, рақамли дунёда низоларни ҳал қилишнинг янги йўналишлари ривожланяпти. Ўзбекистон учун ODR тизимини янада такомиллаштириш ва уни жамият ҳаётига жорий этиш нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ривожланиш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, адолатга етишиш учун замонавий ечимлардан фойдаланиш – бу янги давр талаби.

Байрам шукуҳи

# Болажонларга қувонч улашилди

Ҳар йили Янги йил байрами муносабати билан "Адолат" СДП анъанавий тарзда “Эзгу мақсадлар йўлида бирлашамиз!” лойиҳаси доирасида "Хаста дилларга меҳр бер" акциясини ўтказиб келади. Ушбу акцияни ўтказишдан асосий мақсад бемор болажонларимизга байрам арафасида меҳр ва қувонч улашишидир.

Жумладан, **“Адолат” СДП Навоий вилоят кенгаши** ходимлари кириб келаётган янги – 2025 йил муносабати билан вилоят онкология диспансери ҳамда эндокринология диспансерида даволанаётган болажонлар ва уларнинг ота-оналари учун янги йил байрам тадбири ташкил этилди.

Эртамиз эгалари бўлган болажонларга байрамона кайфият улашиш мақсадида партиянинг вилоят кенгаши ходимлари, партия фаоллари, депутатлар ҳомийлигида ташкил этилган янги йил совғалари Қорбобо ва Қорқизнинг эртакнамо, қизиқарли ҳангомалари билан болажонларга улашилди.



**Тадбирда иштирок этган бемор Севинч Қодированинг онаси Гулжамол Ортиқова:**

*– Шифокорларнинг айтишича, касалликларнинг 50 фоизга яқини инсон руҳиятини яхшилаш орқали даволанар экан. Айниқса, шифохонада даволанаётган болажонлар турли дориларни қабул қилиш орқали уларнинг соғлиги яхшиланиши билан бирга, атрофдаги беморларни ҳар куни кўриб, уларнинг руҳи эзилади. Кайфиятида тушкунлик пайдо бўлади. “Адолат” партиясига раҳмат. Фарзандларимиз боғча ва мактабда ўзлари ёд олган шеърларини Қорбобога айтиб беришиб, совғалар олишди. Уларнинг хурсандчилигининг чеки йўқ.*

Шунингдек, “Эзгу мақсадлар йўлида бирлашамиз!” лойиҳаси доирасида **“Адолат” СДП Хоразм вилоят кенгаши** ҳамда республика ихтисослаштирилган Онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм вилоят филиали, “Хоразм гранит” хусусий корхонаси ва вилоят мусиқали драма театри ҳамкорлигида Кўп тармоқли вилоят болалар шифохонаси “Гематология” бўлимида даволанаётган болажонларга уларнинг ота-оналари иштирокида байрам тадбири ўтказилди.

Болажонларга байрамона кайфият улашиш мақсадида партиянинг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раислари, партия фаоллари, депутатлар ҳомийлигида ташкил этилган янги йил совғалари Қорбобо ва Қорқиз томонидан болажонларга улашилди. Қайд этиш лозим, болажонларнинг “Ватан”, “Она”, “Қорбобо”, “Арчажон” каби мавзуларда айтган шеърлари иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.

*– “Данагидан мағзи ширин” деган иборанинг нечоғлик тўғри эканини набиралик бўлганимдан кейин тушуниб етдим. Айниқса, фарзандинг ёки набиранг бетоб бўлиб қолса, кўзингга дунё қоронғи кўринар экан. Инсонни қадрлаш туйғусини бизга, фарзандларимизга меҳрибонлик кўрсатаётган шифокорларнинг оқибатида кўрдим. Бугун фарзанд ва набираларимиз, умуман, барчамизга табассум бахш этган “Адолат” СДП фаолларига, депутатларига раҳмат айтамиз. Инсонлари қадр топган юртда яшаётганимиз учун шукрона билдирамиз,* – дейди бемор Динара Бахтиёрованинг бувиси Ҳалима Йўлдошева.

**Юлдуз Бобожанова, “Гематология” бўлими бошлиғи:**

*– Кўп йиллардан буён партия билан ҳамкорлигимиз жуда мустаҳкам. Партия фаоллари нафақат Янги йил арафасида, балки 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни, 3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни, “Донорлар куни” ва бошқа бир қатор байрамларда бемор болажонлар учун беғараз донорлик ҳам қилиб келишмоқда. Фаоллар ҳар йили янги йилда болажонларга янги йил кайфиятини улашишади.*

**“Адолат” СДП Андижон вилояти Жалақудуқ туман кенгаши** фаоллари Янги йил байрами арафасида “Меҳр карвони” акциясини ташкил этди. Акция доирасида фаоллар маҳаллаларда бўлиб, имконияти чекланган болажонларга байрам нафаси улашдилар. Партиядошларимиз Ўзбекистонда ҳар бир бола эътиборда экани, давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлар ва болалик бахти ҳақида сўз юритдилар.

“Меҳр карвони” тумандаги Бузрукхонтўра МФЙга етиб борганда сафдошларимизга маҳалла фаоллари ҳам қўшилди. Имконияти чекланган ва етим болалар хонадонларида байрам тадбирлари ташкил этилди. Бундай эътибордан кўзлари ёшланган иккинчи гуруҳ ногирони Турсуной Орифжонованинг яқинлари “адолатчилар”га раҳмат айтди.

Меҳри уммон, саховатпеша халқимиз бор экан, юртимизда инсон қадр-қиммати юксалиб бораверади.

Шубҳасиз, бундай тадбирлар болажонларимизга байрам шукуҳини ҳис этишларига ёрдам беради. “Адолат” СДП ташаббуси билан ташкил этилаётган мазкур байрам тадбирларига жорий йилнинг 25 декабрь кунидан старт берилган бўлиб, партиянинг ҳудудий Кенгашлари томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудида 28 декабргача ўтказилиши режалаштирилган.

**“Адолат” СДП Матбуот хизмати**

## Barcha tadbirkorlik subyektlari diqqatiga!

## O‘zbekiston “Adolat” sotsial-demokratik partiyasi quyidagi mezonlar asosida partiya logotipi tushirilgan aksessuarlar tayyorlash bo‘yicha TANLOV E’LON QILADI:

| № | Tayyorlanadigan aksessuarlar nomi | Soni |
|---|---|---|
| 1 | Partiya logotipi bo‘rttirma tushirilgan to‘q ko‘k rangli, ichki qismida vizitkalar va boshqa predmetlar uchun maxsus bo‘limlar hamda almashadigan blok mavjud, yuqori sifatli yumshoq qoplamali, tabiiy charmdan A 5 formatdagi, chiziqli 100 (yuz) varaqli bloknotli papka; | 200 dona |
| 2 | Partiya logotipi lazerli o‘yma tushirilgan to‘q ko‘k rangli, ko‘k siyohli, Barselona modelidagi, soft-touch qoplamali, metall ruchka. | 200 dona |
| 3 | Korpusining orqa tarafida partiya logotipi lazerli o‘yma tarzda tushirilgan, tilla rangli, tasmasi jigarrang tabiiy charmli, MIYOTA (Yaponiya)/QUARTZ mexanizmidagi soat, daqiqa, soniya va oy sanasini ko‘rsatadigan, suv o‘tkazmaydigan (5 ATM), soatning ustki qismi sapfir oynasidan ishlangan, korpus materiali zanglamaydigan 316 L po‘lat, diametri: 37 mm., qalinligi: 7 mm., soat uchun UV-bosma tarzda partiya logotipi tushirilgan maxsus qutisi bilan Premium sifatli ayollar qo‘l soati. | 70 dona |
| 4 | Korpusining orqa tarafida partiya logotipi lazerli o‘yma tarzda tushirilgan, kumush rangli, tasmasi qora yoki jigarrang tabiiy charmli, MIYOTA (Yaponiya)/QUARTZ mexanizmidagi soat, daqiqa, soniya va oy sanasini ko‘rsatadigan, suv o‘tkazmaydigan (5 ATM), soatning ustki qismi sapfir oynasidan ishlangan, korpus materiali zanglamaydigan 316 L po‘lat, diametri: 41 mm., qalinligi: 7 mm., soat uchun UV-bosma tarzda partiya logotipi tushirilgan maxsus qutisi bilan Premium sifatli erkaklar qo‘l soati. | 130 dona |

** mazkur materiallarni tayyorlashda dizayn xizmatini o‘z ichiga olinishi shart!*

**Eslatma!** ***Jadvalda ko‘rsatilgan mahsulotlar uchun tanlov 2025 yilning 15 yanvar kuni soat 11:00 da partiyaning Markaziy apparati binosida bo‘lib o‘tadi.***

Tanlovda birinchi navbatda mahsulotlarning sifati, dizayni, narxi va yetkazib berish muddati inobatga olinadi.

Tijorat takliflarida mahsulotlarni ishlab chiqarishning eng qisqa muddatlari ko‘rsatilishi shart. Sifati talabga mos kelmagan va sifat komissiyasi qabul qilmagan mahsulotlar uchun hamda *dizayn xizmati uchun (mazkur tanlov g‘olibidan tashqari) pul* to‘lanmaydi.

Tanlovda ishtirok etishni istagan tadbirkorlar tijorat takliflarini “Adolat” SDP Markaziy apparati binosida joylashgan tanlov komissiyasiga **2025 yilning 14 yanvar** kuni soat 18:00 gacha xat bilan tijoriy taklifni muhrlangan konvertda topshirilishi shart.

**Moliyalashtirish manbai:** byudjetdan tashqari mablag‘lar, kelgusida mablag‘larning sarflanishi bo‘yicha Hisob palatasining tekshiruvi bo‘lib o‘tishi belgilangan.

***Buyurtmachi tomonidan tayyorlanadigan mahsulotlar soni va o‘lchami o‘zgarishi mumkin!***

Tanlov vaqtida quyidagi da’vogarlarning tanlov komissiyasi tomonidan takliflari ko‘rib chiqilmaydi va ishtirok etishlariga yo‘l quyilmaydi.

*- qayta tashkil etish, tugatilish yoki bankrotlik bosqichida bo‘lgan;*
*- barcha zarur hujjatlarni belgilangan muddatda taqdim etmagan;*
*- ilgari tuzilgan shartnoma (bitim)lar bo‘yicha qabul qilingan majburiyatlarni zarur darajada bajarmagan;*
*- tanlov e’lon qilingunga qadar ta’sis etilganiga 6 oy bo‘lmagan;*
*- buyurtmachi bilan sud yoki hakamlik muhokamasida ishi ko‘rib chiqilayotgan.*

**Eslatma!** Tijorat takliflari bilan birga tadbirkorlik subyektining davlat ro‘yxatiga olinganligi haqidagi litsenziya yoki guvohnomalari rahbar tomonidan tasdiqlanib, muhrlangan konvertga solingan yopiq holatda, tadbirkorlik subyektining yuridik manzili, telefon raqamlari ko‘rsatilib, “Adolat” SDP Markaziy apparatiga taqdim etilishi shart. Tijorat takliflari konvertga solinib muhrlangan yopiq holatda taqdim etilmasa litsenziya yoki guvohnomalari tadbirkorlik subyekti rahbari tomonidan tasdiqlanmasdan shuningdek, tadbirkorlik subyektining yuridik manzili, telefon raqamlari ko‘rsatilmagan holda taqdim etilgan tijorat takliflari tanlov komissiyasiga kiritilmaydi.

**Murojaat uchun: (71) 288 42 08 (111), (93) 202 14 04, (91) 265 93 96.**





# ВАТАН ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА ЯРАТИЛАЁТГАН БОЙЛИКЛАР

1 Ўзбекистон табиий ва қазилма бойликларга бой ўлка ҳисобланади. Бу заминда Менделеев даврий тизимидаги элементларнинг деярли барчаси бор ва уларнинг захираси ниҳоятда мўл. Ушбу табиий бойликларни қазиб олиш ва улардан фойдаланиш сирларини аждодларимиз олис ўтмишдан бошлаб яхши билишган. Тарихий маълумотларга кўра, мамлакатимизда кончилик саноати милоддан олдинги даврларда вужудга келган. 2-2,5 минг йиллик қадимий конлар излари юртимизнинг Самарқанд, Бухоро, Навоий, Фарғона, Сурхондарё, Жиззах вилоятлари ҳудудларида сақланиб қолганлиги шундан далолат беради.

Ана шундай қадимий конлар Тошкент вилояти ҳудудларида ҳам бўлганлиги тарихий манбаларда келтирилади. Бугунги кунда Оҳангарон, Олмалиқ, Ангрен туманлари билан боғлиқ ҳудудлар қадимда Илоқ ноҳияси деб юритилган. Бу ноҳия кончилар ўлкаси сифатида шуҳрат қозонган. X асрда ёзилган муаллифи номаълум “Ҳудуд ул-олам” асарида Илоқ хусусида шундай маълумот берилади: *“ Илоқ – катта ноҳият, тоғ ва чўл оралиғида жойлашган. Аҳолиси кўп, экинзорлари бор, обод жой, одамлари меҳнаткаш. Унда шаҳар ва рустолар кўп. Тоғларида кумуш ва олтин конлари бор. Унинг ҳудуди Фарғона, Жадғал (Чотқол), Чоч ҳамда Хашарт (Сирдарё) дарёси билан туташ. Бу ноҳият ҳокимларини Илоқ деҳқони деб атайдилар. Ноҳиятнинг бир неча шаҳарлари бор. Кухисим – шаҳарча, тоғ ёнбағрида. Унинг тоғида кумуш кони бор. Дахкас – шаҳарча, унинг тоғидан маргимуш олинади. Тункат – Бухорнон – қасаба, савдогарлар жойидир (Бу шаҳар Илоқнинг пойтахти бўлган). Ёлопон – шаҳарча, унда дирам (танга) зарб қилинадиган сарой бор. Халлух (Чотқол) тоғ тизмаларида кумуш, олтин, қўрғошин, темир ва бошқа минераллар жуда кўп”.*

Ушбу маълумотлар, агар қадимий Илоқ ноҳияти маркази ҳозирги Олмалиқ билан боғлиқлигини ҳисобга оладиган бўлсак, мамлакатимизда кончилик саноатининг такомилида бу ҳудуд етакчи ўрин тутганлиги намоён бўлади. Шу билан бирга милодий IX-XIII асрларда бу ерда кончилик ишлари жадал ривожланган. Абу Райҳон Беруний “Минералогия” асарида “Чоч ўлкаси, баъзан уни Тошкент деб ҳам айтишади, қимматбаҳо тошлари, нодир маъданлари билан Ўрта Шарқ ўлкаларида шуҳрат қозонган” деб ёзгани бежиз эмас. Айнан шу даврда очилган кон ўринлари, рудалар қолдиқлари бу ерда қўрғошин, мис, руҳ, олтин, кумуш, темир, феруза ва бошқа қимматбаҳо тошларнинг қазиб олинганлигини, бу эса олтин дирамлар зарб қиладиган саройлар барпо этилганига омил бўлганини тасдиқлайди.

Не бахтки, олис ўтмиш, тарих ҳақиқатлари бугун ҳам ушбу масканда ўз исботини топмоқда. Бир пайтлари аждодларимиз ақл-идроки, пешона тери эвазига очилган қадимий шахталар, турли қазилма бойликлар олинган кичик-кичик очиқ ҳавзалар ўринларида эндиликда янгидан барпо этилган, ишлаб чиқариш қуввати ниҳоятда юксак, илғор технологияларга асосланган замонавий конлар бунёд қилингани Олмалиқ кон-металлургия комбинатини рангли, нодир ва қимматбаҳо металлар қазиб чиқаришда нафақат мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда ҳам етакчи корхоналардан бирига айлантирмоқда. Бошқача айтганда, аждодларимиз бошлаб берган кончилик соҳасидаги ишлар авлодлар томонидан муваффақиятли давом эттирилмоқда.

Медиа тур давомида журналистлар Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг тарихи, фаолияти, кончилик соҳасидаги ютуқлари билан ҳам танишдилар. Комбинат 70 йилдан ошиқ тарихий йўлни босиб ўтиб, республикамизнинг иқтисодий салоҳиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Корхона мамлакатимиз мустақиллигидан кейин акциядорлар жамиятига айлантирилди. Ҳозирги пайтда унинг бағрида Тошкент, Жиззах, Наманган, Сурхондарё вилоятларида жойлашган мис, молибден, қўрғошин, руҳ, олтин ва кумуш каби ноёб рангли металлар қазиб олинадиган “Қалмоққир”, “Ангрен”, “Чодак”, “Хондиза”, “Ковулди” каби 6 та кон фаолият юритади.

Бундан ташқари, корхонанинг бир нечта бойитиш фабрикаси, Мис эритиш, Руҳ, Марказий таъмирлаш-механика заводлари, Автомобиль транспорт, Технологик транспорт, Саноат темирйўл транспорт бошқармалари, Оҳак, Портлатиш материаллари заводлари, Иссиқлик электр маркази, Саноат сув таъминоти цехи, Электр тармоқлари, лойиҳа ишлари, Капитал қурилиш, Ихтисослашган таъмирлаш ишлари бошқармалари, “Олмалиқ металлург қурилиш” трести кабилар етакчи тармоқлари ҳисобланади. Умуман, Ўзбекистон рангли металлургиясининг пешқадами бўлган Олмалиқ кон-металлургия комбинатида 40 дан ошиқ миллат вакилларидан иборат 36 мингдан ортиқ кончи-металлурглар хизмат қилишади. Комбинат Ўзбекистонда ва Марказий Осиёда ўз соҳаси бўйича етакчи саналиб, мис маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича дунёнинг 30 та йирик корхоналари сафидан ўрин олган.

Комбинатда ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилишга, янги технологияларни амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор берилган. Бу рақамларда ҳам ифодасини топмоқда. Масалан, 2012-2016 йилларда комбинат барқарорлиги учун 123 миллион доллар сарфланган бўлса, 2017-2024 йилларда бу йўналишга сарфланган маблағ 35 бараварга ошиб, 4,5 миллиард долларга етган. Натижада саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 бараварга, саноатни маҳаллийлаштириш даражаси эса 7,7 бараварга ошган. Бунда, табиийки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 мартда “Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш ҳажмларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ишлаб чиқилган инвестициявий лойиҳаларнинг аҳамияти катта бўлди. Ютуқлар кўламини биргина ўтган йилнинг ўзида 110 минг тонна мис, 17 тоннадан зиёд олтин, 90 минг тонна руҳ метали, 162 тонна кумуш ишлаб чиқарилгани, 1 миллиард 100 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиб, 662 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинганлиги ҳам исботлайди. Айни пайтда мамлакатимиз ялпи саноат маҳсулотининг 5 фоизи, саноат маҳсулотлари экспортининг 6 фоизи ушбу комбинат ҳиссасига тўғри келмоқда.

Корхона ютуқлари халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Комбинатда ишлаб чиқарилаётган олтин ва кумуш маҳсулотларига Лондон қимматбаҳо металлар биржасининг “Яхши маҳсулот етказиб берувчи” халқаро сертификати, Мис эритиш заводи маҳсулотига эса сифат белгиси бўйича “Юқори сифат эгаси” халқаро мувофиқлик сертификати берилган. Ушбу мувофиқлик сертификатига комбинатнинг Жиззахдаги цемент ишлаб чиқариш корхонаси ҳам лойиқ кўрилган.

*– Мен ушбу корхонада ишлаётганимдан мамнунман. Бу ерда шахтёр сифатида фаолият юритаётганимга 35 йил бўлди. Биз кончилар маъданларни саралаб юзага чиқарамиз ва меҳнатимиз орқали корхонамиз тараққиётига, юртимиз ривожига ҳисса қўшамиз,* **– дейди ОКМК “Шахтақурилиш” бошқармаси бошлиғи, “Дўстлик” ордени совриндори Зокиржон Абдуллаев.** *– Тўғри, кончилик соҳасига эътибор сусайган, ёшлар бу соҳани хушламаган пайтлар ҳам бўлди. Эндиликда кончилик шарафли касбга айланди. Комбинатда бўлаётган ўзгаришлар, амалга оширилаётган йирик лойиҳалар, технологик янгиликлар нафақат кончиларни қувонтирмоқда, ёшларни ҳам соҳага қизиқишини оширмоқда. “Шахтақурилиш” бошқармамиз кейинги йилларда иккита йирик конни фойдаланишга топширди. Иш жадаллик билан давом этмоқда.*

Мис эритиш заводи комбинатнинг 85 фоиз маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Заводда мис катоди, олтин, кумуш, селен, темир, мис купороси, рений, сульфат кислотаси, эмалланган мис симлари, полладий кукуни, суюлтирилган кислород, молибден куйиндиси, қўрғошин висмут шлами, суюлтирилган азот каби маҳсулотлар тайёрланади. Бу йилдан бошлаб заводда янги маҳсулотлар, яъни юртимиз заргарлик саноати учун грануланган олтин ва кумуш тайёрлаш бошланди. Бу ерда Гидрометаллургия участкаси фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

**Халқаро баҳолаш мезонларига кўра, Олмалиқда миснинг ялпи захираси 45 миллион тоннани, олтин захираси эса 5 минг тоннадан зиёдни ташкил этиши аниқланган. Бу дунё миқёсида кон-металлургия соҳасида энг йирик ва захираси бой кўрсаткич ҳисобланади.**

Корхонада металлурглар, кончилар ва етук олимлар иштирокида экспертлар гуруҳи ташкил этилган. Гуруҳ томонидан ОКМКни узоқ муддатли модернизация қилиш бўйича дастур ишлаб чиқилган. Дастурда корхонага кончилик соҳасида илғор хорижий технологияларни жорий қилиш белгиланган. Ҳисоб-китобларга кўра ушбу дастурни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш учун 502 миллион доллар маблағ сарфланиши режалаштирилган. Бу эса йилига мис ишлаб чиқаришни 110 минг тоннадан 148 минг тоннагача, руҳ ишлаб чиқаришни 78 минг тоннадан 120 минг тоннагача, олтингугурт кислотаси ишлаб чиқаришни 845 минг тоннадан 1,6 миллион тоннагача ошириш имконини беради.

*– Комбинатда 2007 йилдан бери ишлаяпман. Кейинги йилларда кон ва металлургия саноатини илмий асосда, инновацион йўналишда ривожлантиришга жиддий эътибор берилмоқда. Ахир илм-фансиз, замонавий технологияларсиз тараққиётга эришиб бўладими?* **– дейди ОКМК илм-фан ва инновациялар бўлими етакчи муҳандиси, “Шуҳрат медали соҳиби Наргиза Бекбўтаева.** *– Эътибор беринг, комбинатнинг модернизация дастури илмий ишланмалар асосида яратилган. Ана шу илмий ишланмалар туфайли бу ерда келгусида қимматбаҳо ва нодир металларни қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳажми аввалги йилларга нисбатан 1,3 марта ортади. Маҳсулотларни сотишдан олинадиган даромад 1,5 баробарга ошиб, комбинатнинг ялпи маҳсулот ҳажми 12 триллион сўмга етади. Давлат бюджетига тушумлар ҳажми 5 триллион сўмдан ортади. Комбинатнинг соф фойдаси 1,6 триллион сўмни ташкил қилади. Шунинг учун ҳам ҳар йили комбинатда бир неча ўнлаб илмий ишланмалар кўриб чиқилади ва уларнинг энг яхшилари ишлаб чиқаришга жорий қилинади. Ютуқларимиз омилларидан бири ҳам ана шунда!*

Кейинги йилларда геологик қидирувлар ва инвестициялар миқдори ошиши натижасида ишлаб чиқаришнинг янги имкониятлари топилмоқда. Айни пайтда эса комбинатни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси доирасида “Ёшлик-1” конини ўзлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бу кон ниҳоятда улуғвор. Унинг ҳудуди 11 минг гектарни ташкил этади. Захираси ҳам ниҳоятда кўп – ҳар йили 65 миллион тонна маъдан қазиб олиш имконияти бор. Бу конда олтин, мис, кумуш, молибден, селен каби 13 турдаги қимматли ва нодир металлар мавжуд. Ҳозирги кунда конни ўзлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Коннинг 200 миллион куб метр юзаси очилди. Бунинг учун 210 миллион куб метр бўш тоғ жинслари қазиб олинди. Натижада 235 метр чуқурликда узунлиги 4 километр, эни 2 километрдан иборат кон барпо этилди. Бундан ташқари 41 километрдан ошиқ темир йўл ётқизилди, 650 мегавватли подстанция қурилди. АҚШ, Буюк Британия, Германия, Туркия, Хитой, Россия ва Европанинг бошқа давлатларидан техник ускуналар олиб келиниб, ўрнатилмоқда.

Шу билан биргаликда “Ёшлик-1” конини ўзлаштириш инвестициявий лойиҳасининг биринчи босқичи доирасида комбинатнинг 3-Мис бойитиш фабрикаси ҳам барпо этилмоқда. Унинг қурилиши 2021 йилда бошланган эди. Бу ерда маъданни биринчи босқич майдалаш жараёни “Ёшлик-1” конида амалга оширилади. Конда майдаланган маъдан конвейер транспортлари ёрдамида 3-Мис бойитиш фабрикаси омборига етказиб берилади. Ушбу конвейер линияси ер рельфидан келиб чиққан ҳолда баландлиги 44 метр бўлган кўприк орқали ўтади. Конвейер тизимининг жорий этилиши маъданни ташиш харажатларини 30 фоизга камайтиради.

Бу йирик лойиҳа турдош саноат тармоқларининг ривожланишига ҳам туртки берди. Масалан, фабрика қурилишига металл конструкциялар етказиб бериш учун 6 та завод ишга туширилди. Муҳандислик, дастурий таъминот ва касб-ҳунар таълими янги даражага чиқмоқда. Янги турар жойлар ва хизматларга талаб пайдо бўлмоқда.

Бу йирик лойиҳанинг қиймати 4,6 миллиард доллар бўлиб, у конни қазиш, фабрика ва унинг инфратузилмасини қуришни ўз ичига олади. Ушбу фабрика биринчи босқичда йилига 60 миллион тонна маъданни қайта ишлаш қувватига эга бўлади ва у ишга туширилганидан кейин 3 мингга яқин иш ўринлари яратилади. Умуман, 2025 йилда 60 миллион тонна маъданни қазиб олиш қувватига тенг 3-Мис бойитиш фабрикаси, 180 минг тонна маҳсулот берувчи 6-сон сульфат кислотаси цехи, 3-Мис бойитиш фабрикасида тўлиқ автоматлаштирилган янги насос-гидроциклон ускуналари фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Маълумки, жорий йилнинг 15 октябрида давлатимиз раҳбари Олмалиқ кон-металлургия комбинатига ташриф буюриб, амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, бунёдкорлик, қурилиш жараёнларини юқори баҳолади. Шу билан бирга комбинатда қурилишнинг навбатдаги иккинчи босқичи – 4-Мис бойитиш фабрикасини қуриш ишларига ҳам старт берилди. Корхонада бу фабриканинг барпо этилиши мис ва мисдан янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширади.

Белгиланган режа амалга ошса, иккинчи босқич қурилишидан кейин комбинатнинг маъдан қазиб олиш қуввати 160 миллион тоннага етади, яъни иш ҳажми ҳозиргидан 3 бараварга ошади. Ушбу икки босқичли қурилиш ишлари амалга оширилиши натижасида корхона 2028 йилга бориб йилига 400 минг тонна мис, 50 тонна олтин ва 270 тонна кумуш ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Шу тариқа Олмалиқ комбинати тоғ-кон металлургияси соҳасида дунёдаги энг йирик саноат мажмуаларидан бирига айланади.

Халқаро баҳолаш мезонларига кўра, Олмалиқда миснинг ялпи захираси 45 миллион тоннани, олтин захираси эса 5 минг тоннадан зиёдни ташкил этиши аниқланган. Бу дунё миқёсида кон-металлургия соҳасида энг йирик ва захираси бой кўрсаткич ҳисобланади.

Яна бир муҳим томони, бугун дунёда “яшил иқтисодиёт”, электр техникаси, электромобиллар саноати жадал ривожланмоқда. Бунинг натижасида 2030 йилга бориб мис маҳсулотларига бўлган эҳтиёж 40 фоизга ортиши кутилмоқда.

Бу дегани Олмалиқ комбинати маҳсулотларига узоқ йиллар давомида халқаро даражада талаб ниҳоятда катта бўлишини кўрсатади. Келгусида комбинат ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар ҳажми 3 мартадан зиёд кўпайиб, унинг қиймати қарийб 8 миллиард долларга етади. Яна 3 мингтадан ортиқ янги, юқори технологик иш ўринлари яратилади.

*– Комбинатимизда ишлаб чиқаришнинг юқорилиги ва маҳсулотлар сифатининг яхшилиги учун хорижий мамлакатларнинг ишбилармонлари унга катта қизиқиш билдиришмоқда. Хусусан, сўнгги бир йил ичида комбинат раҳбарияти ва мутахассислари Япония, Корея, Германия, Финландия, Буюк Британия, Хитой, Сингапур каби ривожланган давлатларнинг юзлаб инвесторлари билан мулоқот олиб бориб, янги инвестицион ва инновацион лойиҳалар устида иш олиб боришмоқда,* **– дейди ОКМК Ахборот хизмати раҳбари Умида Қаршибоева.** *– Комбинатимиз республикада биринчилардан бўлиб давлат кафолатисиз тўғридан-тўғри хорижий кредитларни ишлаб чиқаришга жалб қилишни бошлаган бўлиб, бу йил уларни ўзлаштириш кўрсаткичи 1,8 миллиард долларга етказилмоқда. Бу эса, табиийки, хорижий ишбилармонларнинг ҳам, банкларнинг ҳам корхонамиз фаолиятига юксак ишончидан далолат беради.*

Йилдан-йилга ОКМК экспорт географияси ҳам кенгайиб бормоқда. Ҳозир комбинат маҳсулотлари 19 та давлатга экспорт қилинмоқда. Хорижда асосан мис, руҳ, молибден, рений, қўрғошин концентрати, кадмий, палладий кукуни каби маҳсулотларга талаб кучли.

Ўтаётган 2024 йилда бир қатор янги бозорлар ўзлаштирилди. Жумладан, Гвинея, Сенегал, Сербия, Жанубий Африка Республикаси, Марокаш, Португалия каби давлатларга ҳам мис катанкаси ва мис купороси экспорти амалга оширилмоқда.

Маҳаллийлаштириш дастурига кўра, шу йил январь-ноябрь ойларида 266 та лойиҳа бўйича 1382,4 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, режа 103,6 фоизга бажарилган. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш 3,6 баробарни, импорт ўрнини босиш самарадорлиги 108,5 миллион долларни ташкил қилмоқда.

Бунда янги лойиҳалар бўйича 1109,1 миллиард сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Ҳисобот даврида маҳаллийлаштириш дастурига киритилган маҳсулотлардан 2,1 миллион долларлик маҳсулотлар экспорти амалга оширилган.

Саноат кооперацияси орқали январь-ноябрь ойларида маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналардан 1225,6 миллиард сўмлик маҳсулотлар харид қилинган.

Импортни қисқартириш бўйича жорий йилнинг январь-ноябрь ойлари якуни бўйича комбинат томонидан 142,9 миллион долларлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган.

Комбинат эҳтиёжлари учун профессионал муҳандис-техник ходимларни қайта тайёрлаш мақсадида муҳандислик мактаби барпо этилган. Мактабни лойиҳалаш Германиянинг “Aurubis” компаниясининг ўқув маркази намунасида амалга оширилди. Муҳандислик мактабида геология, кончилик иши, кон саноати транспортлари, маркшейдерлик иши, фойдали қазилмаларни бойитиш, металлургия, механика, энергетика, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш йўналишларида фаолият олиб бораётган мутахассислар ўқитилмоқда.

2024 йилда “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлиги томонидан Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг узоқ муддатли кредит рейтинг кўрсаткичини “BB-” барқарор даражасида тасдиқлаган. Медиа тур давомида журналистларга комбинат ҳаёти билан боғлиқ ана шундай қизиқарли маълумотлар етказилди.

Олмалиқнинг бир томони Чотқол тоғ тизмаларига туташиб кетади. Бу тизмаларнинг юксак нуқталаридан назар ташласангиз кон-металлургия комбинатининг каскадлари, ўнлаб корхоналари, уфқларга қадар чўзилиб кетган далалар, машиналар турнақатор ўтаётган йўллар, ялтираб оқиб ётган Сирдарё, сув омборлари, шаҳар ва қишлоқлар, юрт кенгликларидан бир бўлаги кўзга ташланади. Ҳамма жойда жўшқин меҳнат давом этаётганлигига гувоҳ бўласиз.

Комбинатда бир марта бўлган одам Олмалиқда нафақат замин устида, балки замин остида ҳам тинимсиз меҳнат давом этаётганлигига, корхонанинг фидойи кончилари, металлурглари Ватан истиқболи йўлида беҳисоб нодир бойликлар яратаётганига тўла ишонч ҳосил қилади.

Қутлаймиз



# КЎЗларга нур улашаётган АЛЛОМА

*Ўзбекистон Қаҳрамони, "Адолат" СДП фаоли Холиджон Комиловнинг 80 йиллик юбилейи нишонланди*

Пойтахтимиздаги Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида даргоҳнинг офтальмология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Қаҳрамони, "Адолат" СДП фаоли Холиджон Комиловнинг 80 йиллик юбилей кечаси ўтказилди.

Унда марказ раҳбарияти вакиллари, "Адолат" СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Марказий аппарати ходимлари ва турли идора-ташкилотлар раҳбарлари, кенг жамоатчилик ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худаяров Холиджон Комиловнинг соҳадаги 56 йиллик фаолияти давомида клиник офтальмология, нейро-офтальмология каби долзарб илмий йўналишлар ривожига катта ҳисса қўшаётгани, бугунги кунда офтальмология, кўз микрохирургияси ва офтальмик кибернетика йўналишларига оид самарали ва долзарб аҳамиятга эга илмий тадқиқот ишларини ривожлантиришда кўплаб ёш олимларга раҳбарлик қилиб келаётганини алоҳида таъкидлади.

Жараён давомида сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Наримон Умаров Холиджон Комиловнинг партиянинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки, "Адолат" СДПнинг аҳоли орасидаги танилувчанлигини ошириш ҳамда ғояларини кенг тарғиб қилишда жонбозлик кўрсатаётганини қайд этди. Шундан сўнг йиғилганларга партия Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудованинг юбилей табригини ўқиб эшиттирди.

Таъкидлаш жоизки, табрикда олимнинг мамлакатимиз ва дунё тиббиёти соҳасидаги бой тажрибаси, юксак билим ва маҳорати билан юртдошларимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, соҳани ривожлантиришга қўшаётган улкан ҳиссаси эътироф этилиб, етук шифокор сифатида халқимизнинг чуқур ҳурмат-эътиборига сазовор бўлгани алоҳида таъкидланган.

***"Меҳнат фаолиятингиз давомидаги ҳалоллик, қатъият, принципиаллик, ҳаққонийлик ва фидойилик каби фазилатларингиз партиямиз сафидаги минглаб аъзоларимиз, айниқса, ёшлар учун ибрат намунасидир.***

***Шундай файзиёб кунда сизни юбилей айёмингиз муносабати билан яна бир бор муборакбод этиб, мустаҳкам соғлик, оилавий бахт, узоқ умр, партиямиз ривожи, юртимиз фаровонлиги ва тиббиёт соҳаси равнақи йўлидаги ишларингизда бардавом муваффақиятлар тилаймиз!"*** дейилади табрикда.

Тадбир давомида Ўзбекистон Қаҳрамони Холиджон Комиловнинг ҳаёт йўли ва тиббиётдаги 56 йиллик меҳнат фаолиятига бағишланган "Кўз мардуми" номли махсус ҳужжатли фильм иштирокчиларга намойиш этилди.

**"Адолат" СДП Матбуот хизмати**

Янги йил ўйлари

**Сайёра САМАНДАР,**
**филология фанлари номзоди,**
**доцент**



Якунланаётган йил халқимиз учун муваффақиятларга, яхшиликларга бой булди. Хонадонларда тўйлар, яхши кунлар бири-бирига уланди, юртдошларимизнинг хирмонлари донга тўлди, дастурхонлари қут-баракага!

Булар юртимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги туфайли!

# Ижодкорнинг орзуси СЎЗДИР...

*Юртдошларимизнинг кайфияти кўтаринки, лабларида табассум, юзларида бахтиёрлик ифори балқийди. Бу ўтаётган 2024 йилнинг хайрли, яхшиликларга бой бўлганидан дарак!*

*Яқинлашиб келаётган Янги йил эса, аминманки, барчани ўтаётган йилни сарҳисоб қилишга чорлайди. Улгурган, улгурмаган ишлар, янги режалар ҳақида фикрлашга ундайди.*

*Ўтиб бораётган йил мен учун ижодкор сифатида жуда сермаҳсул ва баракали бўлганидан бахтиёрман. Бу йил туркум шеърларим турк, озарбайжон, ҳинд, инглиз, туркман, қорақалпоқ тилларига таржима қилинди, Озарбайжон, Қозоғистон, Қорақалпоғистон Республикаси матбуотида чоп этилди. Туркияда нашр этилган "Янги нафас-2", Ҳиндистонда нашр этилган "Namaste Uzbekistan" номли тўпламларда эълон қилинди.*

*Туркистонда, хусусан, Хоразмда жадидчилик ҳаракатининг тадқиқига бағишланган 3 та монографиям тарихчи олим Умид Бекмуҳаммад билан ҳаммуаллифликда нашр этилди.*

*2024 йилда ўтказилган "Энг улуғ, энг азиз" ҳамда "Ватанни мадҳ этувчи энг яхши шеър" Республика кўрик-танловларининг вилоят босқичларида фахрли 1-ўринга муносиб деб топилдим.*

*Жорий йилда "Маърифат улашиб" номли ҳаётбахш ғояни ўзида мужассам этган лойиҳа доирасида май ҳамда декабрь ойларида вилоятимизда, октябрь ойида Қорақалпоғистон Республикасидаги қатор олий ўқув юртлари ҳамда мактабларда 20 га яқин ижодий учрашувларда иштирок этдим.*

*Жорий йил давомидаги ижодий фаолиятим эътироф этилиб, "Йилнинг энг фаол ижодкор аёли" номинацияси бўйича "Йил аёли" миллий танловининг вилоят босқичи ғолиблигига сазовор бўлдим.*

*Яқиндагина "Менинг ҳақиқатларим" номли яна бир китобим дунё юзини кўрди.*

*Янги йил остонасида туриб, ушбу илмий ва ижодий соҳада қанчалик меҳр ва шиддат билан ишлаган бўлсам, қалбимни шу тарзда янада янги режалар, янги орзулар шукуҳи чулғамоқда. Ижодкорнинг энг буюк орзуси ҳам аслида Сўздир. У шу орзуга эришмоқ учун бутун умрини бағишлайди. Борлиғини бахш этади. Миллатнинг юрагидаги Сўзни топиб айтиш, кўнгилларни бедорликка чорлаш, тафаккурни уйғотиш, қалбларни маърифат нурлари билан ёритиш йўлида юрган шоирнинг энг буюк мукофоти ҳам Сўздир!*

*Келаётган йилда амалга ошираdиган барча режаларим ҳам айнан Сўз билан боғлиқдир. Худди шу маънода кўнглимга тугиб қўйган мавзуларимни қоғозга тушириб, халқимга тақдим этиш орзуси менга янги асарлар устида ишлашим учун қанот беради.*

# "Ёшлар қаноти" кенгаши аъзоси Президент стипендианти бўлди

Ўзбекистон "Адолат" СДП Навоий вилоят "Ёшлар қаноти" кенгашининг фаол аъзоси Нодира Қаюмова Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси совриндори бўлди.



*Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг "2024/2025 ўқув йили учун республика олий таълим ташкилотлари бакалавриат босқичи талабаларига Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендияларини тайинлаш тўғрисида" 2024 йил 11 декабрдаги 464-сонли буйруғига мувофиқ 82 нафар талабалар ғолиб деб топилди.*

*Қувонарлиси, танловда "Адолат" СДП Навоий вилоят "Ёшлар қаноти" кенгашининг фаол аъзоларидан бири, Навоий давлат педагогика институти Рус ва қозоқ филологияси факультети рус тили ва адабиёти йўналиши 4-курс талабаси Нодира Қаюмова танловнинг «Она тили ва адабиёти (рус тили ва адабиёти)» йўналишида ғолибликни қўлга киритди.*

*Нодира Қаюмова 2003 йил 22 апрелда Кармана туманида туғилган. У тумандаги 4-умумий ўрта таълим мактабини 2021 йилда олтин медаль билан тугатиб, давлат тест синовларида 189 балл тўплаб, Навоий давлат педагогика институтининг Рус ва қозоқ филологияси факультети рус тили ва адабиёти таълим йўналиши бўйича ўқишга қабул қилинган.*

*У Навоий давлат педагогика институти "Чет тиллари" факультети декани, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, "Адолат" СДПдан халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши депутати Дилором Шамсиева илмий раҳбарлигида "Замонавий кишилар нутқида фразеологик бирликларнинг қўлланиш хусусиятлари" мавзусида илмий изланиш олиб бормоқда.*

*2024 йилнинг 10 январида Б2 даражасидаги чет тили сертификатини қўлга киритган. "Йил талабаси 2024" Республика танловининг институт босқичида "Йилнинг ўз мутахассислиги бўйича энг билимдон талабаси" номинацияси ғолиби бўлган. Нодира Қаюмова 2022-2023 ўқув йилида ҳам "Президент гранти" танлови ғолиби ва Президент стипендияси соҳиби бўлган эди.*

*Бундан ташқари, "Адолат" СДП Навоий вилоят "Ёшлар қаноти" Кенгашининг аъзоси сифатида партия ҳаётида ҳам фаол иштирок этиб, "Бор меҳримиз сенга, болажон!", "Таълим сифати партия нигоҳида" ва бошқа кўплаб лойиҳа тадбирларида фаол иштирок этиб, ўзининг билими ҳамда истеъдодини намоён этиб келмоқда.*

**Навоий вилоят кенгаши матбуот хизмати**

# Янги йил шеъри

*Бола эдим. Жажжи қизалоқ,*
*Қорбобога ёзар эдим хат.*
*Ва кутардим хатнинг жавобин,*
*Шунинг ўзи эди катта бахт.*

*У келарди мен кутган кунда,*
*Ваъдасида турганича мард.*
*Алдамасди сира ҳам мени,*
*Шунинг ўзи эди катта бахт.*

*Шеър айтардим қувончга тўлиб,*
*Рақс тушарди менинг билан шаҳд.*
*Берар эди сўнгра қўғирчоқ,*
*Шунинг ўзи эди катта бахт.*

*Мен сиғмасдим еру осмонга,*
*Жар солгудек бўлар эдим нақд.*
*Қўғирчоғим ҳамроҳим эди,*
*Шунинг ўзи эди катта бахт...*

*Йиллар ўтди. Қўғирчоқларим*
*Қучоғимни айладилар тарк.*
*Вақт топганда боқиб қўярдим,*
*Шунинг ўзи эди катта бахт.*

*Катта ҳаёт сари олдим йўл,*
*Уммонида бўлдим гоҳо ғарқ.*
*Қўғирчоғим келарди ўйга...*
*Шунинг ўзи эди катта бахт.*

*Гоҳ дилимга етганда оғриқ,*
*Гоҳ аламдан қўнганида ғард.*
*Шу дамларни олардим эсга...*
*Шунинг ўзи эди катта бахт.*

*Кўз ёшларим ичимга ютиб,*
*Қўлларимга олар эдим шарт.*



*Сочларини бир силаб қўйсам,*
*Шунинг ўзи эди катта бахт.*

*... Ва улғайдим. Мен билан бирга*
*Бўғзим ичра улғайди бир дард.*
*Шу дард бўлди менинг ҳаётим,*
*Шунинг ўзи бўлди катта бахт.*

*Отамнинг ҳур нафасларидан*
*Руҳим ўсди тоғлар каби шаҳд.*
*Кафтларида кўкардим, ундим,*
*Шунинг ўзи бахтдан катта бахт.*

*Янги йилнинг остонасида*
*Қорбобога яна ёздим хат.*
*Ер юзига тинчлик сўрадим,*
*Шунинг ўзи ахир катта бахт.*

*Дунё бағри ёнмасин асло,*
*Она бахти ҳеч билмасин ҳад.*
*Қўғирчоқлар ясалсин минглаб,*
*Шунинг ўзи чиндан катта бахт.*

*Бонг уравкан соат миллари,*
*Ҳар сония – ортга қайтмас вақт.*
*Эзгуликка буркансин олам,*
*Шунинг ўзи асли катта бахт.*

*Мен дилларни этгайман обод,*
*Ва дилларда кўтаргайман қад.*
*Сенинг сўзинг бўлолсам, элим,*
*Шунинг ўзи тенгсиз катта бахт.*

*Сўз боғида бир гул бўлай деб*
*Улгурмоққа дилдан қилдим аҳд.*
*Жон Қорбобо, менга Сўз келтир,*
*Шунинг ўзи энди катта бахт!*

## Ҳикмат

- Жим турган ҳар қандай киши жавоб қайтаришдан ожиз эмас...
- Шундай кишилар бўладики, қалби оғриётганлиги, агар гапирса, бу оғриқ янада кучайиб кетиши туфайли жим туради...
- Шундайлар бўладики, гапирган гапи фойда бермаслигини билгани учун ҳам сукут сақлайди...
- Яна шундай одамлар бўладики, бошқаларга зарар бериб қўймаслик учун ғазабини босиб сукут сақлайди...
- Баъзилар ожизлик санайдиган сукут, аслида жуда катта кучнинг маҳсулидир...

Газетанинг навбатдаги сони 2025 йил 10-январь, жума куни чиқади.

ADOLAT
Муассис: "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Робахон МАХМУДОВА
Бахром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Мухаммад АЛИ
Гавхар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Зухра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Толъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Котибият – 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Абдуқаюм Йўлдошев
Масъул котиб – Абдуғани Содиқов

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани "Шарқ тонги" кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 1300

Адади – 3 004
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.